

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ**

**“КАСБ ТАЪЛИМ” ФАКУЛЬТЕТИ
3-КУРС КТИ-392 ГУРУҲ ТАЛАБАСИ УМАРОВА
НИЛУФАРНИНГ
“КАСБИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ. ЎҚИТУВЧИ
НУТҚ МАДАНИЯТИ” ФАНИДАН ТАЙЁРЛАГАН**

РЕФЕРАТ

БАЖАРДИ:

талаба Умарова Нилуфар

ҚАБУЛ ҚИЛДИ:

катта ўқитувчиси Д.Абдиева

Қарши-2014 йил

« ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш шакллари» мавзусидаги

Кириш

Режа:

1. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш шакллари ва уларни самарали ташкил этиш омиллари.
2. Дарс машғулотларини ташкил этиш, дарсга бўлган замонавий талаблар.
3. Дарс самарадорлигининг шартлари ва ноанъянавий дарсларни ташкил этишнинг амалиётдаги аҳволи

4. Ўкув-тарбия жараёнида интерфаол методларни қўллаш зарурияти ва ўқитиш технологияси (ўкув жараёнини лойиҳалаштириш)

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Кириш

Мустақил мамлакатимиз хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва такомиллаштириш йўлида дадил одимламоқда. Бу ҳол жамият ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётида туб ўзгаришлар қилиш кераклигини бош мақсад қилиб белгилайди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади-таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан колган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир. Дунёга янги кўз билан қарайдиган, уддабурон, ишнинг кўзини билувчи, буюк келажагимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш, республикамиз педагоглари олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифадир.

Ана шундай вазифалар қаторида ҳар томонлама билимдон, зукко ва маънавий етук мутахассисларни тайёрлаш таълим тизимининг асосий мақсадларидан биридир. Кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимида, ўқувтарбия ишлари соҳасидаги муаммоларни изчиллик билан, босқичма-босқич ҳал этиш йўллари ва воситалари таълим тўғрисидаги давлат ҳужжатларида белгилаб берилган. Шунингдек, узлуксиз таълим тизимида ёш авлодни таълим-тарбиялаш, уни шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги амалий ишлар муҳим омил сифатида эътироф этилади. Таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ҳозирги замон талаблари асосида ташкил қиласидиган, янгича фикрлайдиган, мустақил ва ижодий фаолият кўрсатадиган юқори малакали педагогларга эҳтиёж катта. Бугунги кунда таълим муассасалари учун етук, юксак ахлоқий фазилатларга эга, ҳар томонлама билимдон мутахассислар тайёрлаш долзарб вазифалардан биридир. Ҳозирги кунда таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш замонавий таълимни йўлга қўйиш мақсадига эришишни амалга ошироқда.

Айнан таълим тизимини ривожлантириш мақсадида ўқув-тарбия жараёнига инновацияларни тадбиқ этиш таълим муассасаларининг истиқболи учун педагогик технология ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қиласиди. Бу масала таълим соҳасида қабул қилинган Қонун ҳужжатларида ўқитувчи шахси, унинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи ва унга қўйилган талаблар атрофлича аниқ келтириб ўтилган. Педагог нафақат талabalар ўқиши фаолиятининг ташкилотчиси ва ўқиши жараёнини ташкил этувчиларнинг ўзаро алоқасини илхомлантирувчи бўлиб хизмат қилиш билан бирга маълум маънода билим, тарбия бериш ва демак, умумий мақсадларга эришишда уларнинг tengдоши сифатида қатнашиши зарур. Бу эса талabalар олдига доимо ўзларининг ташкилотчилик, коммуникатив хусусиятларини педагогик-психологик билимларни ўзлаштириш жараёнинда ривожлантириб боришиларини ва улардан педагогик амалиётлардан самарали фойдаланишга интилишини юзага келтиради.

1. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш шакллари ва уларни самарали ташкил этиш омиллари.

Таълим инсоният жамияти ривожланишининг дастлабки пайтларида ёқ катта роль ўйнаган. Мактабнинг тарихан тараққий этиш даврида таълимни ташкил қилиш шакллари турлича бўлган. Таълимни ташкил этиш шакллари маълум ижтимоий тузум ва шу тузумнинг манфаатларига мос ҳолда шаклланган.

Узлуксиз ривожланган жамиятда таълимнинг мукаммал жамоа шакли яъни дарс неча йиллардан бери такомиллашиб, унга қўйилган талаблар мураккаблашиб ва замонавийлашиб бормокда.

XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) тарихда биринчи бўлиб мактаб таълимида синф-дарс тизимини яратди.

Я. А. Коменскийнинг таълимни ташкил қилиш ҳақидаги қарашлари бир қатор жиддий қаршиликларга учраган бўлса ҳам ғарб мамлакатларига жуда тез тарқалди ва таълимни ташкил қилишнинг бирдан-бир шакли деб эътироф этилди. Синф-дарс тизими шарқ мамлакатларига, жумладан Марказий Осиёдаги эски мусулмон мамлакатларига тадбиқ этилмади. Уларда 1917 йилга қадар ўрта аср мактабларига хос таълим тизими (шакли) давом этиб келди. Ушбу мактабларда 6 ёшдан 15-16 ёшгacha бўлган болаларга бир хонада бир вақт мабойнида машғулот олиб бориларди. Шу боисдан болаларнинг билим даражалари ва ўзлаштириши ҳам турлича бўлар эди.

Ҳозирги давргача грухли машғулотларнинг синф-дарс тизими деб аталган бундай шакли кенг тарқалди, мустаҳкамланди ва шунча вақт мабойнида дарснинг ташкилий шакллари ҳам, таълимнинг методлари ҳам узлуксиз такомиллашиб кетди.

Синф- ёши ва билими жиҳатдан бир хил бўлган маълум микдордаги ўқувчилар грухидир.

Дарс деб бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида муайян ўқувчилар грухи билан олиб бориладиган таълим машғулотига айтилади. Дарс - ўқув ишларининг асосий ташкилий шаклидир.

Ҳозир мактабларимизда қўлланилаётган синф-дарс тизими қўйидаги ташкилий шаклларда олиб борилади:

1. Ҳар қайси синф ёши ва билимига кўра бир хил даражадаги болаларнинг доимий грухига эга бўлади.
2. Дарс машғулоти асосан 45 минутга мўлжалланган бўлиб, қатъий жадвал орқали олиб борилади.
3. Дарс бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида жамоа ва якка шаклда олиб борилади.
4. Дарс ўтилаётган материалнинг мазмунига қараб хилма-хил усул билан олиб борилади, таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта, тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратадиган қилиб уюштирилади.

Эндиликда мустақил республикамиз халқ таълими олдига қўйган талақ ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мактаб таълимини ташкил қилишнинг янги-янги шакллари яратилмоқда. Бугунги кунда мактабларимизда таълимни ташкил қилиш шакллари икки турда олиб борилмоқда.

1. Синф-дарс шаклида олиб бориладиган машғулотлар.
 2. Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар.
- Синф-дарс шаклида олиб бориладиган машғулот ўқитувчининг қундалик ўқув материалини тизимли баён қилиб беришни, хилма-хил усуллардан фойдаланишни, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини изчиллик билан ҳисобга олиб беришни, ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатишни ўз ичига олади.

Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар синф шароитидан ташқарида, ўқув устахонаси, тажриба ер участкаларида ишлаш, экспедициялар ўтказиш йўли билан олиб борилади.

Маъруза – билим беришнинг шундай шаклини, унда педагог (ўқитувчи) томонидан берилаётган билимлар, малака ва кўникмалар талабаларга ёппасига баён этилади.

Маъруза - ўқув жараёнининг илгор усулларидан бири бўлиб, дастлаб у ўрта асрларда бирон бир китобни ўқиши ёки уни изоҳлаш йўли билан намоён бўлган. Жамият ривожланиши мабойнида оғзаки тушунтиришнинг бу усули XVIII асрда лотин тилида амалга оширилди. XVIII аср ўрталарига келиб маърузалар рус тилида ўқий бошланди. Унинг илгор намояндаларидан бири М.В. Ломоносовдир.

Фанлар бўйича маърузада ҳал қилинадиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- илмий билимларнинг муайян миқдори баён қилинади;
- талабаларга фан ва тадқиқотларнинг методологияси таништирилади;
- ўқув фаолияти ва ўқув машғулотларининг барча турлари орасидаги методик алоқалар кўрсатилади. Дидактик мақсадига (йўналганлигига) кўра кириш, тематик ва умумий – якуний маърузалар фарқланади.

Амалий машғулот - ўқув ишларининг мантикий давоми бўлиб, бу термин талабаларнинг мустақил аудитория ишларининг умумий тушунчаси ҳисобланади. Агар маърузада илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва деталлаштирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар талабаларнинг билимини синашга хизмат қиласи. Амалий машғулотларда машқлар, лаборатория ишларини ўтказиш, ҳар хил илмий тажрибаларни ўтказиш кабилар амалга оширилади. Билим беришнинг бу шаклида маърузаларда олинган назарий билимлар бевосита амалиёт билан боғланади ва ўқувчилар томонидан тажрибалар амалга оширилади. Амалий машғулот шаклларидан бири семинарdir.

Семинар – талабаларнинг маърузадан олган илмий-назарий билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш мақсадида ташкил этилган таълим шаклларидан биридир. Семинар жараённида ўқитувчининг ўрни жуда

юксак, яъни ўқитувчи талабанинг ўрнига жавобни айтиб бермайди, балки муҳокамаларни ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади. Семинар машғулотига тайёрланиш талабалардан катта масъулиятни талаб этади. Жумладан, талабалар семинар дарсларига тайёргарлиги давомида мустақил ўқишлари, керакли адабиётлар билан ишлашлари, рўзнома ва журналлардан фойдалана билишлари, шунингдек бошқа мавзуга оид манбаларни излаб топишлари, уларни ўзлаштиришлари керак бўлади.

Лаборатория машғулотлари- Бунда талабалар мустақил равища вазифа бажарадилар ёки эксперимент ўтказадилар. Лаборатория машғулотлари талабада тадкиқот ўтказиш кўниммаларини шакллантиради, фан ва техникага ижодий ёндашишни таъминлайди, экспериментнинг умумий методикасини эгаллашга имкон беради. Лаборатория машғулоти одатда маҳсус жиҳозланган хонада ҳамда тегишли аппарат, асбоб-ускуналар: микроскоп, лупа, колба, ўлчов асбоблари ва бошқа қуроллар билан таъминланган жойларда (аудиторияда) олиб борилади.

Экскурсия – таълим ва тарбия ишларининг шундай туридирки, бу усул билан ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни табиий шароитда (завод, фабрика, дала, табиатни кузатишга) ёки маҳсус муассасаларга (музей, кўргазма ва ҳ.к.ларга) ташкилий равища олиб борилади. Экскурсия усули асосан ўқитувчи ёки экскурсия ўтказишга масъул бўлган шахснинг кузатилаётган обьектни баён қилиши, тушунтириши орқали олиб борилади. Экскурсия охирида, албатта яқунловчи дарс ўтказилади ва унда ўқувчи-талабалар томонидан тайёрланган чизма, расм, таассуротлар каби материаллардан фойдаланилади. Ўқитувчи мулоҳаза ва фикрларни умулаштириб, хуласа чиқаради ва машғулотни якунлайди.

Амалиёт – таълим шаклларидан яна бири бўлиб, унда талаба олий ўқув юртида олган назарий билимларини бевосита амалиётга тадбиқ этади. Бу жараёнда амалиётчига амалиёт давомида олий ўқув юртидан илмий раҳбарлар тайёрланади. Амалиёт талаба учун келажак иш фаолиятида илк қадами бўлиб, шу амалиёт давомида талаба олий ўқув юртида олган билимларини қанчалик амалиётга қўллай олишини ўз нуқтаи назаридан ҳам баҳолайди ва бу орқали унда келажагини тасаввур қилишга имкон яралади.

Курс иши – олий мактаб ўқув режасида қайд қилинган таълим беришнинг шаклларидан бири. Курс ишлари бирор фаннинг назарий курси тугаллангандан сўнг амалга оширилади. Таълим беришнинг бу тури талабаларнинг илм олиш даврида олган билимларини янада мустаҳкамлаш, назарий билимларини қанчалик амалиёт билан боғлай олиши негизида пайдо бўлади.

Курс иши тайёрлаш жараёнини бевосита мустақил ишлар таркибига киритиш мумкин. Курс иши ҳам ўқув режасида киритилган бўлади.

Диплом иши – талабанинг олий ўқув юртида олган билимларининг натижаси, илмий изланишларнинг бошланғич кўриниши бўлиб, таълим беришнинг бир шакли сифатида намоён бўлади. Диплом иши бир мутахассисликнинг талаба томонидан тамомланаётган, шу мутахассислик

раҳбари билан бирга тайёрланадиган ва ўкув юрти режасида қайд қилинган таълим бериш шаклларидан биридир.

Олий мактабда ўкув жараёни мустақил таълимни ташкил этилишини ҳам кўзда тутади. Талабаларнинг мустақил тахсили уларнинг ўз билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгилирини ўзлаштиришга бўлган инитилиши сифатида қаралади.

Мустақил таълимнинг вазифалари: шахснинг интеллектуал имкониятларини янгилаш, уларнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш, касбий маҳорати ва маданиятини такомиллаштириш.

Мустақил таълимнинг асосий мақсади талабаларни ижодий изланишга, ўз устида ишлашга ҳамда уларнинг шахсий ва касбий сифатларини ўстиришdir. Мустақил таълим буйича машғулотларнинг изчиллигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида унинг режаси тузилади.

Умуман олганда барча олий мактабларда таълим беришнинг ташкилий шакллари амал қиласар экан, уларга бир қатор талаблар қўйилади. Таълим масканлари олдида турган янги вазифалар ва эҳтиёжлар ўкувчи-талабаларга бериладиган таълим ва тарбия сифатини ошириш, уни янада ривожлантириш ва юқори босқичга кўтаришни талаб қилади.

2. Дарс машғулотларини ташкил этиш, дарсга бўлган замонавий талаблар.

Дарс - ўкув ишларининг асосий ташкилий шаклидир. Ҳар бир дарснинг муваффақияти кўп жиҳатдан машғулотни тўғри ташкил этишга боғлиқ. Таълим масканларида дарснинг бошланиш даврини - дарснинг ташкилий дақиқалари деб аталади. Бироқ, бу дарс шаклининг бирор босқичи ёки тузилишига кирмаслиги керак. Ташкилий дақиқада синфнинг тайёргарлигини синчиклаб кузатиш муҳимдир. Тажрибали ва маҳоратли ўқитувчилар фурсатни қўлдан бермай, ўқувчилар диққатини чалғитмай, дарҳол иш бошлаб юборадилар. Айни пайтда ўқитувчи олдида икки вазифа – бутун синф ўқувчилари диққатини ўзига жалб қилиш ва бутун синф ўқувчиларини тезлик билан машғулотга фаол киришишларини таъминлаш вазифалари туради.

Дарс машғулотдан кўзланган мақсадни равшан ва аниқ қилиб ўқтириш билан бошланади. Дарс янги материални баён қилишга қаратилган бўлса, дарс мавзуси айтилади. Дарсда режада мўлжалланган материални ўтиб бўлингач, у албатта якунланиши, хулосалар чиқарилиши керак. Шунингдек, ўқитувчи дарсни илфор педагогик технологиялар асосида олиб бориши, турли хил таълим методларидан унумли фойдаланиш ва ўқувчиларга кўпроқ муаммоли вазиятлар яратиш орқали уларга янги материални баён қилиши дарс сифатини оширади.

Дарсни ташкил этиш ва олиб боришдаги бош мақсад – таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашdir. Бунинг учун:

- а) ўтилаётган мавзудан кўзланган мақсадни ўқтириш билан бир вақтда, ўқувчилар материални фаол идрок қилишга сафарбар етилган бўлишлари керак. Яъни ўқитувчи баён қилаётган мавзу ўқувчиларни мустақил фикр юритишига, онгли ўзлаштиришга интилишларини таъминламоғи лозим;
- б) Ажратилган вақт ичидаги ўқитувчи материалларни тизимли ва изчил баён қилиш билан бир вақтда, ўқувчиларни ҳам, албатта, мавзуга оид мустақил иш олиб боришларини таъминлаш жуда муҳимдир. Ўқитувчи дарсда мавзуни баён қилиш давомида ўқувчиларга муаммоли вазият туғдирадиган саволлар бериб, уларни фикрлаш ва изланишга ундаса ўқувчилар ушбу материални пухта ўзлаштириб олади.
- в) Билимларни баён қилиш жараёнида ўқувчилар фаоллиги (оғзаки, ёзма машқлар ва лаборатория-тажриба ишлари, мустақил ижодий ишлар) ишга солинмоғи лозим. Бу ўз навбатида, ўқувчиларнинг олдиндан ўзлаштирган билимларини ҳам ишга туширишига хизмат қиласи ва тўғри баҳолаш учун катта имконият туғдиради.
- г) дарс жараёнида ўтилаётган ўқув материаллари бошқа фанларнинг алоқадор мавзулари билан боғланишини кўрсатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Дарсда ўқув – тарбия ишларининг барча компонентлари: мақсад, мазмун, воситалар, методлар, ташкил этиши ва бошқариш фаолияти ҳамда унинг ҳамма дидактик элементлари мужассамланган деб ҳисоблаш қабул қилинган. Шунга асосан ўқитувчи дарс муаммоларига тўғри ёндошиши учун таълим жараёнининг асосий компонентларини билиши, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига таъсирини тушуниши лозим.

Дарс - ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятини ташкил этишнинг шакли бўлиб, у болаларни ўқитиши, тарбиялаш ва камол топтириш вазифаларини амалга оширади. Дарс ўқитишини ташкил этишнинг ўзгармас шакли эмас. Ўқув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йўлларини излайди. Бу соҳада кўпгина ислоҳатлар амалга оширилмоқда.

Турли-туман фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда дарс қуйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим:

1. Ҳар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишига қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.
2. Ҳар бир дарс мустаҳкам ғоявий-сиёсий йўналишга эга бўлоғи лозим.
3. Ҳар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган бўлмоғи, шунингдек хилма хил усул, услуг ва воситалардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилмоғи лозим.
4. Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмоқ зарур.
5. Дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.
6. Дарсда ўқув материалининг мазмунига оид кўрсатмали қуроллар, техник воситалар ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.

7. Дарсда ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим тизимида енг кўп қўлланиладиган дарс турлари қўйидагилар:

- 1) Янги билимларни баён қилиш дарси (маъзуза).
- 2) Ўтилган материалларни мустаҳкамлаш дарси.
- 3) Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш ва баҳолаш дарси.
- 4) Такрорлаш – умумлаштирувчи ва кириш дарслари.
- 5) Аralаш дарс (юқоридаги дарс турларининг бир нечтасини бирга қўлланиши).

Ҳар бир дарс турининг маълум тузилиши ва хусусиятлари бор, бу нарса ўқитувчининг ўқув материалини тўғри ва самарали тушунтиришига, мустаҳкам есда қолдиришга, такрорлашга ва унинг ўзлаштиришини назорат қилиб боришига ёрдам беради.

Таълимни ташкил этиш методикаси таълим мазмунини шакллантириш каби эркин танланиши мумкин эмас. Бу борада муайян ижтимоий, психологияк ва педагогик талабларни инобатга олиш зарур. Бундай талаблар таълимнинг ташкилий-методик тамойиллари деб юритилувчи тамойиллар мазмунида ўз ифодасини топган:

- таълимнинг изчиллиги, тизимлилиги, кетма-кетлиги;
- таълимда онглилик ва ижодий фаоллик;
- таълимда кўргазмалилик;
- таълимнинг самарадорлиги ва ишончлилиги (мустаҳкамлиги);
- таълимнинг тушунарлилиги;
- гуруҳли ва индивидуал таълим бирлиги;
- таълимнинг ўқувчилар ёши ва индивидуал хусусиятларига мос келиши;
- оқилона талабчанлик билан бола шахсини ҳурмат қилишнинг мувофиқлилиги;
- педагогик ҳамкорлик.


Таълим бериш, ҳар бир мавзунинг мағзини талабалар онгига етказиш маҳорати ўқитувчидан кўп изланишни, кўп мутола қилишни талааб қиласди. Билим уммонига бой бўлган устозгина мавзуни мағзини талабалар онгига моҳирона етказа олади. Мавзунинг мақсадига қараб, таълим методларини танлай билади.

Таълим жараёнидаги муваффақиятларга фақат билим беришда ўқувчи-талабанинг ўзига хос шахсий хусусиятларини ҳисобга олганда эришиш мумкин. Шунинг учун ўқитувчидан болалар психологиясидан тегишли билимлар етарли бўлиши лозим. Дарс жараёнида шу синф ўқувчиларига тегишли умумий хусусиятларни ва ҳар қайси ўқувчига тегишли хусусиятлар таълимнинг ҳар бир босқичида эътиборга олиниши даркор. Бунга эришиш учун ўқитувчи ўқувчиларни кузатиши ва уларнинг руҳий оламини ўрганиши лозим. Фақат шундагина ўқувчидаги камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади ва уларни бартараф қилиш учун изланишлар олиб борилади. Таълим методларидан оқилона фойдаланиб, илмий дарс ўтиш,

ўқувчиларни ҳаётда ўз ўрнини топишга, онгнинг шаклланишига катта асос бўлиб хизмат қиласди. Ўқитувчининг маълум фан илмини ўқувчилар онгига етказа олиш маҳорати, шу ўқувчиларни бўлғуси ҳаёт йўлларини танлашда муҳим аҳамиятга эга.

3. Дарс самарадорлигининг шартлари ва ноанъанавий дарсларни ташкил этиш

Ўқитувчининг баркамол инсонни тарбиялаш, унда миллий ва умуминсоний фазилатларни таркиб топтириш вазифаси энг олийжаноб, юксак ва энг мураккаб вазифадир. Ҳар бир бола ўз хулқ-авторига, характеристига эга. Ёшларни тарбиялашда уларнинг ана шу ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ўрганиш ниҳоятда мураккаб. Бунда одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг мураккаблигига мос келадиган маҳсус усуслардан фойдаланилади. Педагогик фаолиятга тайёргарлик кўраётган ёшлар ана шундай хусусиятларини билишлари лозим.



Билимларни мукаммал эгаллаган, шунингдек, умуминсоний қадрият сифатида илоҳий илмлардан ҳам хабардор, маънавий баркамол, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида равнақ топишига ишонадиган ватанпарварлик, фуқаролик бурчини англаган, ихтисосга доир билимлар, кўнимкамаларни, ижтимоий-гуманитар билимларни, психолого-педагогик, методик билим ва кўнимкамаларни мукаммал эгаллаган, ўқитувчилик касбини ва болаларни яхши кўрадиган, инсонпарвар, талабчан, адолатли, педагогик

одобли, эркин ва ижодий фикрлай оладиган, ҳар бир шогирди улғайиб яхши одам бўлишига ишонадиган, уларнинг баркамол шахс, ишбилармон бўлиб этишишларига кўмаклашадиган киши бўлмоғи керак. Юқоридаги вазифаларни бажариш учун ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо қиласи

Ташаббускор-илғор педагоглар дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг самарадор кечишини таъминлаш учун қуидаги шартларни тақлиф этадилар:

1. Ўқувчилар амалий, лаборатория ва семинар дарсларида жойлаштиришнинг аҳамияти. Кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, дарс жараёнида ўқувчиларни ноанъанавий жойлаштиришнинг аҳамияти ҳақида гапирилмоқда.

Бунинг бир нечта услублари мавжуд бўлиб: а) ўқувчиларни «думалоқ стол» атрофида ўтказиш бундай усулда ўқувчиларни ўтказиб мунозара, мухокама ва савол жавоблар тарзидаги дарсларни ташкил этиш мумкин. Ўқувчилар бундай дарсларда ўқитувчи билан ўзларини тенг «холатда»-сезадилар. Шунингдек, ўқувчилар бир-бирларига қараб юзма-юз ўтирганлари учун бир-бирларининг ички-кечинмаларидан хабардор бўлиб турадилар.

б) «Яrim ой» ёки «П» шаклида талабаларни жойлаштиришнинг афзаллик томони шундаки, ўртадаки, майдондаги ролли ўйинлар, психотренинг ўйинлари ва бошқа машқлар бажариш мумкин.

в) Уч бурчак, квадрат, тўғри тўрт бурчак шаклида ўқувчиларни жойлаштиришнинг ҳам қулай томонлари мавжуд. Бундай ҳолларда ўқитувчи ўқувчилардан ажралиб қолмасдан, балки улар билан тенг ҳолатда ўтирадилар ва юзма-юз ўтириш ўзаро мулоқот ва муносабатни енгиллаштиради.

2. Дарс жараёнида ўқувчилар билан демократик шаклда иш олиб борувчи ва таълимга илғор услубларни тарғиб етаётган ўқитувчиларнинг фикрича, дарсда ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ҳамкорлик ва ишонч бўлиши керак. Ўзаро муносабатларда, ўзаро изланишга ҳамкорлик, ўқувчининг дарсга интилиши, дарсдан хурсандлик ва қониқишига сабаб бўлади.

3. Ўқувчининг таълим олиши, ўқиши мажбурий бўлмасдан, балки ўз қизиқиши ва интилиши билан амалга оширилиши керак.

4. Дарс жараёнида ўқувчиларга ўтиладиган мавзу эмас, балки бу кунги мавзуни эртага ўтиладиган мавзулар билан ҳам боғлаш, ўқувчиларнинг эртага ўтиладиган мавзуга қизиқишлигини оширади ва дарсда ўтиладиган мавзуни ўқиб келишларига йўналтиради. Натижада ўқитувчининг бир дарсда бир неча мавзуларни ўтиб, ўқувчиларга «тезлаштириш таълим бериш», «режадан ошириб ўқитиши», каби усуллардан фойдаланиши мумкин. Бу метод айниқса, қобилиятли, иқтидорли ўқувчиларни ўқитишда жуда қўл келади.

5. Ўқувчиларни дарс ўтиш ва таҳлил қилишга ўргатиш. Ўқувчиларга қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда дарс ўтиш учун мавзулар тақсимлаб берилади.

Синфда «бу ўқитувчилар» дарс ўтгандан сўнг тенгдошларининг билимларини сўраб баҳолайдилар. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бир-

бирларини баҳолашда ўқувчилар ўқитувчиларга нисбатан одилроқ бўлишар екан. Ўқитувчи сифатида дарс ўтиш ўқувчиларда ўзига ишонч ва мустақиллик беради. Уларнинг нутқ фаолияти яхшиланади.

Кейинги йилларда дарс жараёнига, юқори синфларда назарий билимларни маъруза шаклида бериш ҳақида танқидий фикрлар билдирилмоқда, ҳатто коллеж ва олий мактабларда ҳам бериладиган билим, тажрибаларнинг фақат 10% ини маъруза тарзида бериб, қолган қисми амалий, семинар ва мустақил таълим сифатида бериш тавсия этилмоқда.

Ҳозирда янги педагогик технологияларни таълим жараёнида кенгрок жорий этилиши замирида ўқувчи-талабага берилиши лозим бўлган илмий билимлар кўлами ўқитиш усуллари ва шаклларининг доирасини кенгаштириш зарурлигини тақозо этмоқда. Ўрта ва олий мактабларда дарс беришнинг ноанъанавий методларига қуидагилар киради: Дарс-маъруза, дарс-семинар, дарс-мунозара, дарс-конференция, дарс-экскурсия, дарс-мусобақа (конкурс дарслари) мустақил ишлар дарслари ва бошқалар мавжуд. Шуларнинг ҳар бири ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Дарс-маъруза. Ўрта мактабда дарс-маъруза юқори синфларда кўлланилиб, фаннинг асосий гоя ва муаммоларни очиб беришда юқоридаги методдан фойдаланилади. Умумий таълим мактабларида маъруза-дарслари савол-жавоблар, кўргазмали ва бошқа методлар билан қўшилган ҳолда ўтказилади. Масалан: 5-10 минутлик маърузадан сўнг (яъни назарий билимлар берилгандан кейин), ўқувчилар га техник воситалар ёрдамида берилган билимлар амалда кўрсатилади. Шунингдек, маърузанинг бир қисмида назарий маълумотлар берилса, иккинчи қисмини савол-жавоблар, мунозара ва шаклда ташкил этиш мумкин.

2. Муаммоли-дарс. Муаммоли-дарс ўтиш мазмуни сухбат дарсларидан унчалик фарқ қилмайди. Аммо, ўрта мактабда ўқувчиларни изланиш жараёнига йўллашда ўқитувчининг фаоллиги кўпроқ талаб етилади. Муаммоли дарс қуидаги қисмлардан иборат бўлиш мумкин:

- Табиий, ижтимоий, техник, техноген, агробиологик ҳодисалар, жараёнлар ўргасида зиддият, қарама-қаршилик мавжудлигианиқланади. Яъни бирон соҳада муаммонинг мавжудлиги топилади.

- Ҳар хил ҳодиса, жараён ва бошқаларнинг юзага келиш сабаблари ривожланиши, кечиши ваякуни ҳақидаги фаразлар илгари сурилади.

- Ўқувчилар (талабалар) билан биргаликда изланиш натижасида илгари сурилган фаразнинг қанчалик тўғри ёки нотўғри еканлиги исботланади.

- Ҳар хил тизимлар, ҳодисалар, жараёнлар ўргасида ўзаро боғлиқлик қонуниятлари ҳақида хулоса чиқарилади ва нарса, ҳодисаларнинг янги томонлари очилади.

3. Далада-дарс: Табиат билан боғлиқ дарсларни (биология, агробиология, экология ва бошқалар) айнан шу мавзу билан боғлиқ жойда, дала, боғ, тоғ. тажриба майдони ва бошқа жойларда ўтказилиши мумкин. Масалан: айрим дарсларни очик ҳавода, айрим табиий нарсаларни: ўсимликлар, ҳайвонлар, паррандаларни намойиш қилиш орқали жонли

тарзда ўтиш мумкин. Дарс жараёнида намоён этиш зарур бўлган ўсимликлар, дарахтлар, екин ва бошқа нарсалар кўрсатиб, тушунтирилади.

4. Дарс-драма: АҚШлик олим Морено 1934 йилда оила, шахсий ва иш фаолиятида юз берадиган низоли вазиятлардан чиқиш, психологик вазиятлар ечимини топишда драматик театр тажрибасидан фойдаланиш мумкинлигини қатор тадқиқотлар билан исботлади. Бу метод аста-секинлик билан олий ва ўрта таълим тизимиға кириб кела бошлади. Адабиёт, оила психологияси, маънавият ва бошқа ҳамма фанлардан (ёки фанлар тарихидан) дарс-драмаларни ташкил этиш мумкин. Аммо, дарс-драманинг асосий мақсади, ўқувчилар орасида ҳамжиҳатлик, жипслик, дўстлик ҳис-туйғуларини шакллантириш, ўқитувчи-ўқувчи орасидаги муносабатларни яхшилаш, ўқувчи (талабанинг) шахсий ҳаёти, жамоадаги шахслараро муносабат ва мулоқотда ижобий психологик муҳитни ташкил этишга мўлжаллангандир.

5. Дарс-мунозара. Бундай дарсларни ташкил этишдан олдин мунозара мавзуси, йўналиши ўқувчиларга эълон қилинади. Шу соҳада ўқиши зарур бўлган илмий, бадиий адабиётлар билан ишлаш ҳақида маслаҳат берилади.

Дарс жараёнида уятчанг, камгап, суст ўқувчиларни доимо саволлар бериш, уларни фикрини сўраш билан фаоллаштирилиб турилади.

6. Дарс-саёҳат: Дарс-саёҳат олдиндан тузилган режа асосида ўтказилади ва бу дарсга катта тайёргарлик ишлари талаб қилинади.

Борди-ю ўқитувчи «Ўзбекистоннинг-ўрмонлари» мавзусида саёҳат ташкил қилмоқчи бўлса у олдин ўқувчиларга ўрмонлар ҳақида, улардаги экологик ахвол, дарахт ва ўсимликларнинг турлари ҳақида тушунчалар беради.

Саёҳат жараёнида ўқувчилар билан дарахт ва ўсимликлар турларини, табиат манзараларини, расмларга, видео тасмаларга уларнинг суратлари олинади. Саёҳатнинг натижаси тўпланган намуналар, олинган расм ва видео суратларни намойиш этиш билан таҳлил қилинади. Бу шаклда олиб борилган дарслар ўқувчиларнинг хотираларида узок муддат муҳрланиб қолади.

Ҳозирга кадар кўпгина мактаб ва коллежларда дарс лойиҳасини тузиш, таълим мақсадини белгилаш ёки таълимни ташкил этиш йўллари каби элементлар вақт синовидан ўтди.

4. Ўқув-тарбия жараёнида интерфаол методларни қўллаш зарурияти ва ўқитиши технологияси (ўқув жараёнини лойиҳалаштириш)

Бугунги қуннинг таълим мазмуни ўқитиши, ўргатиши жараёнида ўқувчини кўпроқ ўйлаш, фикрлаш, ижодий фаолият кўрсатишга ундейдиган дидактик механизми тақозо қилмоқда. Бу дидактик механизм шундай бўлмоғи даркорки, унда ўқитувчи ҳам ўқувчи ҳам, бор имкониятини максимал ишга сола олсин, ўқитишнинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи функциялари тўла амалга ошсин, шахс камолотини таъминлаш учун замин яратиш. Бундай механизм – педагогик технологиянинг интерфаол методлариdir.

«Метод» - грекча methodos сўзидан олинган бўлиб йўл, аниқ мақсадга эришишга йўналтирилган фаолият йўлини англатади. Таълим соҳасида ўрганувчи ва ўргатувчининг ижтимоий буюртма сифатида ўқув вазифаларини ҳал этишга қаратилган, ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлай оладиган, бир-бири билан боғланган ва бир – бирини тўлдира оладиган, бир – бирини акс эттирадиган куч – фаолият йўли ва методи мавжуд.

Ўқитишининг педагогик технологияга асосланган интерфаол методларининг моҳият-мазмуни билан танишишдан олдин умуман методлар, қисман таълим методлари дунёсига қисқача уюштирайлик. Ҳозирги илмий-техникавий тараққиёт, миллӣй мустақиллик ўқувчи-талабаларни фикрлаш, уйлаш, ижодий фаолият қўрсатиш, изланишга йўналтирадиган, ундейдиган методлардан фойдаланиш зарурлигини талаб этмоқда. Шунга асосан ўқитувчи, аввало, барча ўқитиш методларини мукаммал билиши, уларни оқилона танлаш ва моҳирона қўллаш маҳоратига эга бўлиши ҳамда ҳар бир методдан фойдаланганда ўз имкониятларини, таълим муассасаси шартшароитларини хисобга олиб иш тутмоғи лозим.

Шу ўринда шуни ҳам эътироф этиб ўтиш жоизки, инсон ҳаёти, унинг фикри, қизиқиши, ўзини ўраб турган воқъеликни билишга интилиши шунчаки бир мавхум, номоддий, ҳеч қандай маъно ва кучга эга бўлмаган бир нарса эмас, балки, маълум нарсаларни ўрганишга интилувчи, кашф этишга йўналтирилган фаолият ва кучни англатувчи жараёндир. Шунга асосан инсон билан қизиқсан, унинг воқъеликни фаол идрок этишга интилишларини англаб етган ўтмиш мутафаккирлари билиш, англаш, тушуниб этиш, ижодий фикрлашни шакллантириш ва ривожлантиришнинг бош омили ўқитиш методлари деб билганлар.

Илмий педагогик назарияни ўрганиш ва таҳлил қилиш шундан далолат бермоқдаки ҳеч бир вақт, замон ва маконда ўқитиш методларини танлаш, қўллаш ва таснифлашга ягона ҳолатда, бир хилда ёндашмаган. Биргина XX аср «Педагогика назариясини» олиб қарайдиган бўлсак дидактик олимлар таълим методларини дидактиканинг турли йўналишида туриб шарҳлаганлар. XX асрнинг машҳур рус дидактлари М.Н.Спаткин ва И.Я.Лернерлар ўқувчилар билиш фаолиятларини ташкил қилиш ва ривожлантириш хусусиятидан келиб чиқиб, ўқитиш методларини қуидагича таснифлайдилар: тушунтириш – намойиш этиш (инфоцион - рецептив), муаммоли (проблемали) баён қилиш, репродуктив, қисман изланувчан (эвристик), изланувчанлик (тадқиқот ижодийлик) каби методларга бўладилар.

Табиат, жамият инсон тафаккурининг такомиллашуви унинг тўхтовсиз ривожланиб, такомиллашиб бориши, илм-фан, техника ва технологиянинг жадаллашуви таълим методларига танлаш ва қўллашда янгича ёндашишни уларни ўзлаштириш ва фаоллаштиришни тақозо этмоқда. Шунга асосан ҳозирги давр дидактикасида ўқитишининг Янги педагогик технологияга асосланган интерфаол методлари майдонга келди.

Таълим жараёнида шундай ўқитиш методларини тадбиқ этиш жоизки, улар охир-оқибатда ўқувчи-талабаларни мустақил ўқиши, фикрлашга, илмий-техникавий ахборотлар билан ижодий ишлашга ўргатсин, ўқувчи-талабаларни ўзига хос ва ностандарт фикрлашга йўлласин ва ишчанлик қобилиятини ривожлантириш, ўқишига, мустақил билим олишга қизиқиши ва эҳтиёжини оширсин, ўз ишига фаолиятига, фикрлашига тадқиқот ёндашишини тарбияласин, ўзгарувчан ишлаб чиқариш шароитига тез мослашиш кўникмаларини шакллантирсин. Илмий педагогик назария ва амалиётнинг кўрсатишига бундай дидактик жараён лойиҳасини интерфаол методларга ёрдам бера олади.

1 Ҳамкорликда ўқитиш методи.

Ҳамкорликда ўқитиш методининг асосий ғояси – бирор – бир топшириқни биргаликда бажариш эмас, балки ҳамкорликда ўқишидир.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиясида ҳамкорликда ўқитиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Ҳамкорликда ўқитишни бу бирор бир вазифани, топшириқни ҳамкорликда бажариш эмас, балки ҳамкорликда ўқитишдир. Буюк рус тарбияшунослигининг асосчиларидан бири А.С.Макаренко «Тарбияланувчиларни тарбиялаш жараёнида, ўзим ҳам тарбияланиб бордим», - деб ёзади. Демак ўқитиш жараёнида, ўқитувчи болаларни ўқитар экан, айни пайтда ўзи ҳам ўқишига мажбуурдир. Бу ҳамкорликда ўқитиш орқали амалга ошади.

Ҳамкорликда ўқитиш, яъни кичик, кичик гуруҳларга бўлиб ўқишлиар Ғарб педагогикасида XIX аср охирларида пайдо бўлган. Аммо гуруҳларда, ҳамкорликда ўқитишга асос – солиниши XX асрнинг 20- йилларига тўғри келади. Унинг асосий технологиясини ишлаб чиқиш ва унинг биринчи натижаларини матбуотда эълон қилиш 1970 йилларнинг охирлари 1980 йилларнинг бошларида тўғри келади. Бу даврда Буюк Британия, Ғарбий Германия, Нидерландия, Япония, Исроил, Австралия ва бошқа мамлакатларнинг таълим муассасаларида ҳамкорликда ўқитиш методининг назарияси ва амалиёти тўғрисида педагогик матбуотда маълумотлар эълон қилинди. Аммо ушбу ғоянинг мантиқий асосномаси Америкадаги учта университет профессорлари – Р.Славин (Ж.Хоппине университети, 1990), Р.Жонсон, Д.Жонсон (Миннесот университети, 1987), Ж.Аренсон (Калифорния университети, 1978) ва Исроилдаги Тель–Авив университетида, 1988 йилда Ш.Шарон томонидан ишлаб чиқилди. Америка олимлари ва Исроил олимларининг ҳамкорликда ўқитиш ғояси маълум жиҳатлари билан бир – биридан фарқ қиласада, уларда мазкур ғояни ёндошиш қоидалари ва принципларини асослашда яхлитлик мавжуд. Масалан, Америка олимлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамкорликда ўқитишда асосан ўқувчиларни фан асослари билан танишириш, уларни билим, қўникма ва малакалар билан қуроллантириш назарда тутилса, Исроил ва Европа олимлари ишлаб чиқсан ҳамкорликда ўқитиш методининг мазмунида дарсларда мунозарали ўқув баҳсини ташкил қилиш орқали фаолиятни лойиҳалаш ётади. Бу хол ғояларнинг бир – бирини тўлдириши дидактик жиҳатдан бир бирини

бойитиши билан характерланади ва ўқувчиларнинг шахсий фаолиятларини лойихалаштириш учун замин яратади. Бу эса ҳар бир ўқувчида ақлий меҳнатга тайёрланиш, ижодий ва мустақил фикр юритишлари шахс сифатида ўзларини эркин тутиб ўқишига онгли, маъсулият билан ёндашишга ундейди ҳамда ўз сафдошлари билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ишлашга даъват этади.

Ҳамкорликда ўқитишиш методларидан фойдаланишда ўқитувчи:

- а) Қайси мавзуни ҳамкорликда ўқитиши олдиндан белгилайди;
- б) Мавзу учун ўқув топшириқлари ва уларни бажариш тавсияномасини режалаштиради;
- в) Ҳамкорликда ўқитишиш дарс – ишланмаси ва унинг тузилмасини ишлаб чиқади ва ниҳоят;
- г) Мавзу бўйича билимларни назорат қилишининг тест топшириқларини тўзади

2. «Танқидий фикрлаш»га ўргатишиш методи

Маълумки, 1996 йилдан бошлаб мамлакатимизда америкалик миллиардер Жорже Сорос томонидан тавсия этилган очик Жамият институти кумак жамғармаси маданиятимиз ва маърифатимизнинг турли жабҳаларитаълим-тарбия тизими, тиббиёт, чет тилларни ўргатишиш, санъат ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида маълум дастурларни амалга оширмокда. Шулардан бири «Ўқишиш ва ёзишиш ўргатишиш учун танқидий фикрлашни ривожлантириш дастуридир.

Мазкур дастурдан ўрин олган ўқитишиш методлари ўзининг фаоллиги, ижодийлиги, таъсирчанлиги билан фарқлашиб, ўқувчи-ёшларни фикрларини ифодалашга, маълумотларни танқидий идрок қилиш, ўз нуқтаи-назарини ҳимоя қилиш ва далиллаш, ўз-ўзига ишончи ривожлантириш, танқидий фикр юритишга ишончни тарбиялаш, турли ғоя ва фикрларни мустақил ҳамда танқидий қабул қилишга ўргатишиш учун хизмат қиласди. Ўқитувчилар ўқутарбия жараёнида ушбу методларнинг оқилона ва моҳирлик билан фойдалансалар, методларини мавзу мазмунидан келиб чиқиб тўғри кўлласалар, тайинки, билимларни ўзлаштиришнинг сифат кўрсаткичлари юксак бўлишига эришадилар. Ўқувчи-талабаларнинг саводхонлик ва тарбияланганлик даражаси такомиллашувини тажриба кўрсатмоқда. Зеро, бугунги давр, фан-техника тараққиётининг талаби ҳам, ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларга ҳар доимгидан кўпроқ, аниқрок маълумотлар бериш, эгалланган маълумотларни мустақил таҳлил қилиш, қўлга киритиш, ҳолатга танқидий муносабат билдирган ҳолда ижодий ҳамда ижодий қарорлар қабул қилишдан иборатдир.

Интерфаол методларнинг назарий соҳалари ўрганилиб, уларни амалга кўллашнинг методик томонлари ёритилди. Ушбу педагогларнинг фикрларига қўшилган ва айрим ҳолларда уларнинг мулоҳазаларидан танқидий фойдаланган ҳолда биз қуйида Янги педагогик технология лойиҳасининг

интерфаол методларидан бири «Танқидий фикрлаш методи» хусусида фикр юритамиз.

«Танқидий фикрлаш» - онгли мустақил тахлилий фикрлаш жараёни бўлиб, бунда – ўқувчи ўзига таклиф этилган маълумотлар, ахборотлар, нуқтаи-назар ва ахлоқ кодекслари тўғрисида соғлом фикр юритиш имкониятини берадиган методдир. Шундай қилиб, танқидий фикрлаш, ахборотларни қабул қилишдан бошланиб, карор қабул қилиш билан тугайдиган фикрлаш, уйлаш жараёни экан, бу жараёнда ўқувчи-ёшлар баҳсли муаммоларни ечиш вақтида тинглаш, мулоқотга киришиш маданиятини ўрганадилар, турлича нуқтаи назарларни таққослайдилар, хулосалар чиқарадилар, ўзгалар фикрига бефарқ қарамайдиган, аналитик фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга интиладиган инсонлар бўлишга ҳаракат қиласидилар. Шунинг учун ҳам бу метод фаолдир.

«Ўқитиши ёзиши» учун танқидий фикрлашни ривожлантириш дастурининг асосчилари ўқитишининг таянч моделини уч босқичга ажратадилар – **чакирув, мазмунни, англаш, фикрлаш**.

«Танқидий фикрлаш» методи

Ўртага ташлаган масала ёки муаммо юзасидан фикр айтиш, ўзгалар фикрини танқидий идрок этиш, ўз нуқтаи назарини асослаб бериш ва сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишга ундейдиган технологиядир.

Бу методдан баҳс-мунозара хусусиятига эга бўлган масалалар муҳокамасида фойдаланилади.

1. Бахс-мунозара хусусиятига эга бўлган муаммо ёки топширик қўшилиб саволлар ўртага ташланади.
2. Ўқувчи талабага ўз нуқтаи назарини аниқлаш, фикрлаш бир жойга туплаш учун вақт берилади.
3. Ўқувчи талаба ўз нуқтаи-назарини асослайди, далиллар келтиради.
4. Муҳокама қилиниётган масала юзасидан ўз фикрларини эркин билдиришлари учун ўқувчи-талabalарга имкон яратилади.
5. Билдирилган фикрлар, нуқтаи-назарлар ўқувчи-талabalар ҳамкорлигига муҳокама қилинади.
6. Ўзаро фикр олишиш ўқувчи-талabalardan ҳамсуҳбатини дикқат билан тинглаш, унинг сўзини бўлмаслик, сўз қўшмаслик талаб этилади.
7. Муҳокама қилинган ахборотни тахлил қилиш, изоҳлаш, ғоялардан якуний хулоса чиқариш билан яқунланади.

«Танқидий фикрлаш» методини қўллаш қоидалари:

1. Танқидий фикрлаш учун вазият яратиш.
2. Ўқувчиларнинг фикр-ғояларини асослаш учун гуруҳларни ташкил қилиш.
3. Ҳар бир гуруҳ фикрини аниқ ёхуд муҳокама жараёнига ахборотларни тахлил қилиш ва хулоса чиқариш учун кузатувчи (эксперт)лар тайинлаш.
4. Аниқ хулосалар, тахлил фикрлар кузатувчилар (экспертлар) томонидан рағбатлантиришга имкон яратиш.

«Танқидий фикрлаш» баҳсли-тортишувларга сабаб бўладиган муаммоларни ечишга қаратилганлиги сабабли, ўқувчи-талабаларда тинглаш, ўзгалар фикрини бўлмаслик, унга танқидий қўз билан қараш, таққослаш, тегишли хукм чиқаришга эътиборни қаратиш лозим. Унинг натижасида ҳар қандай ўқувчи-талабада:

- ўзига ишонч қўзи билан қараш;
- мунозарада фаол иштирок этиш;
- ўзгалар фикрига ва тақдирига бефарқ бўлмаслик;
- тенгдошлари, кузатувчи (эксперт)лар билан фикр тортишиш;
- ўз нуқтаи-назарини, фикрини далиллашга интилиш ҳис-туйғулари тарбияланади. Бу ўз навбатида аналитик фикрлаш қобилиятини ривожланишига, босқичма-боқич тафаккур юргизиш бир-бирларини чуқурроқ ўрганиш имкониятининг яратилишига ҳамда ўзгарувчан танқидий фикрлашга олиб келади. Оқибат-натижада ўқувчиларнинг фикрлаши фаоллашади, қизиқиш кучаяди, ўзини ифода этиш ишончи уйғонади, танқидий фикрлаш ривожланиб боради.

3.«Ақлий ҳужум» методи

«Ақлий ҳужум» методи жамоа ҳамкорлиги асосида маълум модуллардаги маълумотларни такрорлаш орқали яхлит ҳолатини тузиш мақсадида амалга оширилади. Мазкур метод ўқувчи-талабаларда ҳозиржавоблик (оғзаки, ёзма) малакаларини ривожлантиришига қаратилади. Унда ўқувчилар диққатига умумий ҳолда савол қўйилиб берилган жавоблардан энг сўнгиси, қисқаси ва тўлиғи танланади, ёки «Узлуксиз таълим» журналида ёзилишича бу метод – «жамоа орасида муайян топширикларни бажараётган ҳар бир ўқувининг шахсий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ҳамда унда маълум жамоа (гурух) томонидан билдираётган фикрга қарши ғояни илгари суриш лаёқатини юзага келтиришга» хизмат қиласи (Қаранг: «Узлуксиз таълим» журнали, 2002 йил, 5-сон, 9-бет).

«Ақлий ҳужум» методининг қоидасига асосан синф ўқувчилари кичик-кичик (5-6 кишидан) гурухларга бўлинадилар ва белгиланган вақтда ўтилган, ўрганилган бўлим ва боб бўйича вазифа, топшириклар оладилар ва уни ҳал қилишга киришадилар. Белгиланган вақт 10 ёки 15 минут қилиб қатъий белгиланади. Ечилган муаммолар айрим иштирокчилар ёки гурухларнинг сардорлари томонидан изоҳланади. Ноаниқ ва хато ечилган топшириклар муҳокама этилмайди ва баҳоланмайди. Мазкур методга А.Ф.Особори асос солди. Кейинчалик Ж.Доналд ҳамда Филикс томонидан янгича варианти ишлаб чиқилди. Б.А.Александров томонидан бошқа варианти қўйилди. Бу вариантнинг моҳияти шундаки, унда жамоа бўлиб ғоялар ишлаб чиқаришда иштирокчиларнинг ижодий имкониятлари фаоллаштирилади ва унга зид ғоялар қўйилади. Бунда машғулот босқичма-босқич амалга оширилади.

Шундай қилиб:

- аниқ фикр ёки ғоя танқид қилинмайди ва баҳоланмайди;

- сифат кўрсаткич эътиборга олинмай, билдирилган фикрлар сони ҳисобга олинади;
- аниқ бўлмаган жавоблар ҳам ҳисобланади;
- барча берилган саволларга жавоблардан аниқлари белгиланади (машғулотнинг охирида);
- барча билдирилган фанлар (аниқ ёки ноаниқ жавоблар) ёзиб бориладилар ва улар эксперталарга топширилади.

Ақлий хужум тўхтатилгандан сўнг барча айтилган фикрлар, ғоялар мухокамага тортилиб, энг маъқул ғоя белгиланади.

«Ақлий хужум»ни ўтказиш йўллари:

1. Ўқитувчи синфга савол, топшириқ ва муаммони қўяди. (савол ва топшириклар ўтилган ёки янги ўзлаштирилаётган мавзу бўйича, шунингдек, ҳаётий воқеа-ходисалар юзасидан бўлиши мумкин) ва ўқувчиларга ўз фикр мулоҳазаларини билдиришлари сўралади.
2. Барча фикрлар доска ёки флипчартга ёзиб борилади.
3. Барча фикрлар ёзиб олинганидан кейин ўқитувчи ўқувчилар билан бирга асосий ғояларни уйғунлаштиради, айрим ўринларига тузатиш киритади, кейинги жараёнларда фойдаланиш учун энг мухимлари ажратиб олинади.

«Ақлий хужум»ни ўтказиш қоидалари:

1. «Ақлий хужум»ни ўтказиш учун ажратилган вақтда (регламент) катъий риоя қилиш зарур.
2. Белгиланган вақт доирасида фикр айтиш истагини билдириган ҳар бир ўқувчига имконият яратиш лозим.
3. Ўқувчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар мухокама қилинмаслиги, баҳоланмаслиги керак.
4. Зарур бўлиб қолган такдирда баён этилган фикрларга тўзатиш киритиш мумкинки, бу нарса ўқувчилар фикрлаш доирасини аниқ, лўнда, қисқа баён этишга, рағбатга олиб келсин.

4. Ўқитишнинг «Кичик гурухларда ишлаш», «Мунозара», «Синквейн», «Кластер» каби интерфаол методлари.

Кичик гурухларда ишлаш – дарс жараёнида таълим олувчиларнинг барчасини фаоллаштириш имкониятига эга бўлган методdir.

Кичик гурухларда ишлаш жараёнида алоҳида масалалар юзасидан ўз фикрини гуруҳда мухокама қилишга, турлича фикрларни уйғунлаштириб, муштарак нуқтаи назарга келишга ўрганадилар. Шунингдек, ўқувчи гуруҳ бошловчиси сардори сифатида синфдошлари олдида сўзга чиқиб, гуруҳ нуқтаи назарини ҳимоя қиласди. Бу билан ўқувчида кўпчилик олдида сўзлаш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, фикрларни уйғунлаштира олиш каби кўникма ва малакалари шаклланиб боради.

Кичик гурухларда ишлашни ўтказиш йўллари:

1. Топшириқ, чалкаш масала ёки савол асосида муаммо танлаб олинади. Топшириқда бахсли жихатлари бўлиши мақсадга мувофиқдир.

2. Кичик гурухлар шакллантирилади. Гурухлардаги ўқувчилар сони 3-5 нафардан ошмаслиги керак, топшириқ хусусияти, синфдаги ўқувчилар сонидан келиб чиққан холда гурухдагилар сони ўзгариши мумкин. Гурухда ишни ташкил этишда иштирокчиларга вазифалар тақсимлаб борилиши маъқул. Масалан, бир ўқувчи мунозарани бошқаради, иккинчиси юзага келган фикрларни қоғозга ёзиб боради, учинчиси вазифанинг белгиланган вақтда бажарилишини мувофиқлаштириб туради, туртинчиси гурух хulosаларини тақдим этади в ҳ.к.

3. Гурухларда ишлаш вақти белгилаб олинади. Топшириқни бажариш йўл-йўриқлари тушунтирилади. Вазифани бажариш йўлини тушунмаган гурух аъзоларига қўшимча изоҳ берилади.

4. Гурухда иш жараёни тугагандан кейин якуний хulosалар тақдимоти ўтказилади. Хulosаларни гурух сардори ҳимоя қиласди. Зарур холларда тақдимот натижалари доскага ёки ватманга ёзиб борилади. Имкониятга қараб гурухлар бир-бирларига саволлар беришлари мумкин.

5. Тақдимот натижалари асосида муҳокама уюштирилади ва баҳоланади. Бунда қуидаги саволлар ўртага ташланади.

Кичик гурухларда ишлаш жараёнида қандай натижаларга эришилди?

Қандай муаммо устида фикрлашилди? У ўз ечимини топдими?

Жараёнда ўзингизни қандай хис этдингиз? ва ҳ.к.

Кичик гурухларда ишлашни ўтказиш қоидалари:

1. Гурухларда ишлаш учун белгиланган вақтга катъий риоя қилиш керак.

2. Гурухларга ёрдам бераётганда ўқитувчи тазийик қилмаслиги, ўз нуқтаи назарини ўтказишга ўринмаслиги лозим.

3. Гурухлар томонидан билдирилган фикр ва хulosалар муҳокама қилиниши, Танқидий мулоҳазалар билдирилиши мумкин.

4. Ўрин келганда баён этилган фикр ва хulosаларга тузатишлар киритилиши, бу нарса умумий хулоса мазмунини бойитишга, изчиллаштиришга хизмат қилиши зарур.

Мунозара – бу фаол, қизиқарли, қизғин ва эҳтиросли суҳбат бўлиб, унинг иштирокчилари муҳокама қилинаётган мавзуни муфассал тушуниб олишлари учун намунали йўлдир. Бунда турли фикрлар, ҳатто бир-бирини инкор этадиган нуқтаи назарлар бўлиши мумкин. Муаммони изланувчанлик асосида ҳал этилиши эркин фикрлаш, эркин фикр алмашишни юзага келтиради. Бу ҳол бир ўқувчи-талабада муҳокама қилинаётган, ечилиши лозим бўлган муаммо юзасидан фақатгина ўз қарашларига эмас, балки муҳолифларнинг ҳам қарашларига танқидий нуқтаи назардан ёндашишни тарбиялайди.

«Мунозара» методини ўтказиш тартиби:

1. Бошловчи мунозара мавзусини танлайди ва қатнашувчиларни тақлиф этади.

2. Бошловчи қатнашувчиларга муаммони «Ақлий хужум» масаласини беради ва уни ўтказиш тартибини белгилайди.

3. Бошловчи «Ақлий хужум» вақтида билдирилган ғоя ва фикрларни ёзіб бориши учун котиб тайёрлайды. Бу этапда етакчи гурух қатнашчиларини ҳар бир аязоси үз фикрини билдиришга шароит яратып беради.

4. Бошловчи иккінчи этапга ўтишдан аввал қисқа танаффус эълон қилади. Иккінчи этапда «Мунозара» қатнашчилари билдирилген фикр ва ғояларни гурухлаштириб, уларни таҳлил қилишга ўтилади. Таҳлил орқали қўйилган вазифани энг мақбул ечимини топишга ҳаракат қилинади.

5. Бошловга мунозарага киришувчилар фикрини ҳурмат қилиш, мухолифни ранжитмаслик, овозни баланд кўтартмаслик, ортиқча эҳтиросларга бормасликни, үз нуктаи назарига ишонч билдирган тақдирда уни изоҳлашни тайинлайди ва бошқарип боради.

«Синквейн» - дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари тизимида муҳим аҳамият касб этади. Кўпгина дидактик адабиётларда қайд этилишига «Синквейн» методи ўқув мақсади ва вазифаларини аниқлаш ва белгилашда ўқитувчи фаолияти орқали эмас балки ўқувчи фаолияти орқали амалга оширишни назарда тутади. «Синквейн» сўзи французча бўлиб «беш қатор» деган маънони англатади ва маълумотларни йиғиш мақсадида ишлатилади. Унда ўрганилаётган воқеа, ҳодиса, маълумотлар тўғрисида ўқувчи-талабалар томонидан мавзуга доир ахборотлар йиғилиб турли кўриниш, нуктаи назарлар орқали изоҳланади.

Синквейн тузиб чиқиши қоидаси қўйидагича:

1. Биринчи қаторда топшириқ (вазифа) бир сўз билан ифодаланади (одатда от туркумiga мансуб сўз билан).

2. Иккінчи қаторда вазифа сўз билан ифодаланади (одатда сифат сўз туркумiga оид икки сўз билан).

3. Учинчи қаторда вазифани бажаришга доир ишлар уч сўз билан тавсиф этилади.

4. Тўртинчи қаторда топшириқ (мавзу)га алоқадор фикр тўрт сўз билан ифодаланади.

5. Бешинчи қаторда мавзу (топшириқ) моҳиятини тақрорловчи, маъномазмунни бир-бирига яқин бўлган бирта сўз билан ифодаланадиган фикр ёзилади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдикি, синквейн тузишув бешлик топшириклардан фойдаланилади. Буни одатда беш қатордан иборат шеър ҳам деб юритилади. Б.А.Фарберманнинг фикрича тузилган синквейнни баҳолашда иккінчи қатордаги ўқувчи-талабага вазифасининг энг муҳим хоссаларини англашувчи бир жуфт сифатни уйлаб туриш зарур, деган мулоҳаза қилиш мумкин. Буни – жавобни бир неча хил вариантларини уйлаб топиб, сўнгра улардан энг мувофиқини ажратиб олиш билангина улдалаш мумкин. Шундай қилиб синквейн методи ўқувчи-талабаларда мустақил фикрлашни, ижодий изланишни, танқидий нуктаи-назар билдиришни тарбияловчи методдир ва шу хусусиятлари билан бугунги кун талабларига жавоб беришга қодир. Бу метод ҳам ўқувчи-талаба, ҳам ўқитувчи-

мураббийни изланишга ўргатиши, ишлаб чиқилган фикр фаол бўлганлиги сабабли метод ҳисобланади.

«Кластер» (ахборотни ёйиш) методи. Бу метод педагогик жараённинг дидактик стратегиясининг муайян шакли бўлиб, таълим олувчиларга ўрганилаётган мавзу бўйича бир неча ғоялар бўйича ягона тузилмани яратишига қаратилган. Дарҳақиқат «Кластер» инглизча сўз бўлиб (cluster) бош, бир шингил, боғлам маъносини англатади. У матн ёки мавзунинг аниқ маънони англатувчи бирликларга ажратиш, уларнинг бир бош узум шаклида жойлаштиришига йўналганлиги сабабли фикрларни уйғотиш, маълум ғоялар ўртасидаги алоқалар, боғлиқликларни аниқлашга чорлайди. Шунинг учун кластирларга ажратишни чақириқ, мазмунни англаш ва фикрлаш босқичлардаги мулоҳаза юритиши рафбатлантириш учун фойдаланиш мумкин.

«Кластер» методи 1991 йилда Стил ва Стил С. томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг фикрича бу метод пухта уйланган стратегия ҳисобланиб, турли масалаларни ёритишига мослашган. Уни якка тартибда ёки гурух асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Гурух фаолиятида ушбу метод гуруҳнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдирилаётган фикр ва ғояларнинг асоси сифатида кўзга ташланади ва шунинг учун ҳам гуруҳнинг ҳар бир аъзоси томонидан илгари сурилаётган фикрларни умумлаштириш, ғояларнинг боғланишли, алоқадорлик томонларини имкониятини яратади.

Кластерларни қўйидаги кетма-кетлиқда тузиш мумкин:

Синф тахтасининг ўртасида таянч ёки «калит» сўз ёзиб қўйилади.

1. Мавзуга доир барча сўзлар, гаплар таянч сўз атрофига жойлаштирилади.
2. Тушунча ва ғоялар ўртасидаги боғлиқлик аниқланади ҳамда ёзиб борилади, (хатолика йўл қўймасликка ҳаракат қилинади).
3. Белгиланган вақт доирасида ҳар бир таълим олувчига фикрига келган сўз ёки гапни ёзишига ижозат берилади.

Ишлар бажариб бўлингандан сўнг кутилаётган натижа, таълим олувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар, ўқиши самарадорлиги, йул қўйилган хато ва камчиликлар таҳлил қилиниб (ўқитувчи ёки эксперталар томонидан) якуний натижа эълон қилинади ва хулоса қилинади.

Шундай қилиб, биз ўқитишнинг янги педагогик технология асосланган, ёхуд дидактик жараён лойиҳасининг айрим интерфаол методлари тўғрисида фикр юритдик. Уларнинг ўқувчи-талабаларда ўқув-тарбия ишларида фаол иштирок этишига ўргатишига, ўзига ишонч ҳосил қилиш, ҳам гуруҳлари, ўқитувчилари билан фикр алмашиш, ўқув маълумотларидан муҳимлари, асосийларини ажрата олиш малакаларини тарбиялашга, ўзгалар фикрини англай олиш, ўз нуқтаи-назарига танқидий ёндашиши ривожлантиришига хизмат қилиши кўриб чиқдик. Улардан ташқари ҳозирги кунда таклиф этилаётган ва Республика таълим муассасаларида кенг қўлланилаётган қўйидаги: 1. «Ажурли appa». 2. «Ролли ўйинлар». 3. «Ўз ўрнингни топ». 5.

«Үзинг учун қулай жой танла». 7. «Изла, топ, қўлла». 8. Кубик. 9. Тушунчалар асосида башорат қилиш. 10. стоз раҳбарлигига амалиёт. 23. Тадқиқ қилиш. 24. Тушунчалар таҳлили. 25. Икки қисмли кундаликлар. 26. Биргаликда излаш. 27. Мунозаралар гирдоби. 28. Зинама-зДебат. 11. Тахмин ва тасдиқ. 12. Зиг-заг. 13. Инсерт. 14. Эссе. 15. Жуфтлик ва гуруҳ бўлиб ишлаш. 16. «Ўқи, ёз, уйла». 17. Чуқурлаштирилган маъруза. 18. Бир-бирини сўраш. 19. Концептуал жавдал. 20. Чизмалар. 21. Венн диаграммаси. 22. Уина. 29. Турли даражадаги саволлар. 30. Ўқувчилар муносабатини аниқлаш. 31. Кузатиш. 32. Реклама. 33. Интервью. 34. Командалар, уйинлар, турнирлар. 35. Бошқотирма. 36. Топишмоқ. 37. Тест-синов. 38. Маъруза-мунозара. 39. Мустақил изланишлар. 40. Саҳна намойиши. 41. Сўров. 42. Гурухий ўз-ўзини назорат қилиш. 43. Ўқийман-уйлайман. 44. Уйланг жуфтликларга бўлининг – фикр алмашинг. 45. Ёзма топшириқ. 46. Академик баҳс мунозара. 47. Қарама-қарши мунозара. 48. Мустақил изланишлар. 49. Маълумот йифиш. 50. Матбуот материаллардан фойдаланиш. 51. Оғзаки тақдимот. 52. Ролли ўйинлар. 53. Плакат бўйича тақдимот. 54. Ёзма дебат. 55. Асосланган эссе. 56. Сухбат.

Таълим ислоҳоти узлуксиз таълим тизими ҳамма бўғинларини жадал ривожлантириш вазифасини долзарб масала қилиб қўйди. Бу вазифани ҳал қилишда ишлаб чиқилган замонавий ва илғор технологиялар билан педагогларни қуроллантириш орқали амалга ошиши мумкин.

Хулоса

«Касб-хунар колледжларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш шакллари» мавзусини ўрганиш таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини янги талаб ва эҳтиёжлар асосида ташкил қилишга қаратилган бўлиб, унинг мазмунини ўрганишда таълим тизимидағи бир мунча муаммоларни ўрганиш, уларни бартараф этиш орқали таълимни ривожлантириш истиқболлари ва самарадорлигига эришилади.

Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда педагогик технологиялар, ахборот технологиялари асосида замонавий ўқитиш методикасини яратиш натижасида ўқув жараёнига қўйилган талабларни тўлиқ амалга ошириш, таълим жараёнида ўқувчи фаоллигини ошириб таълимдан кўзланган натижага эришишни осонлаштиради, шунингдек, баркамол шахсни шакллантириш учун асосий омил саналган педагогик жараённи такомиллаштириш, уни янада жадаллаштириш ва техник воситалардан фойдаланиб замонавий дарс ишланмаларини тайёрлашни талаб этади.

Ўқитувчи ўзининг дарсини ўзи таҳлил қилаётганда, қуйидагиларга эътибор бериши тавсия этилади:

- кўзланган мақсад ва дарс натижасини таққослаш;
- ўқувчилар билими, кўникмаси ва камол топишидаги силжишларни кўзлаган натижага муваффақиятлигини аниқлаш;
- ўқувчилар дарсда иштиёқ билан ишлаганликларига алоҳида эътибор бериш.

Дарс сифатини анъанавий усулда: сўраш, тушунтириш, мустаҳкамлаш, уй вазифаси схемасида аниқлаш ҳам мумкин. Лекин, илғор тажрибалар замонавий дарс сифатини «кенг» ва «тор» мазмунда, дидактик тоифа ва таркибий тузилиши қисмлари бўйича таҳлил қилиниши лозимлигини таъкидлайди.

Агар ўқитувчи ижодкор ва изланувчан бўлса, ўқувчи билим даражаси ҳам баланд бўлади. Ўқитувчиларимиз бугунги замон талабларига мос билимлар соҳиби, янгилangan таълим мазмунини эгаллаган бўлишлари керак. Шундай таҳлилий хуносалар ва амалий фаолиятдаги ютуғлари асосида ҳар бир ўқитувчи ўқув-тарбия жараёнини тўғри ташкил этади, ўтказади, ўқувчиларининг ўзлаштириш фаолиятини яхши йўлга қўя олади. Натижада ўқув жараёнининг асосий шакли бўлган дарсни ноанаънавий ўқитиш методлари асосида ташкил этади ва таълим мақсади, натижасига аниқ эриша олади.

Шундай экан, ўқув-тарбия жараёнини таълим назарияси фаолияти нуқтаи назаридан кўриб чиқиб, барча таълим-тарбия ишларини, ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш, ноанъанавий дарсларни ташкил этиш асосида “педагогик технология” йўналишида дарсларни ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: «Ўзбекистон» 1999 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. – Тошкент, 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» - Тошкент, 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий юксалиш йўлида. Т: “Ўзбекистон”, 1998 йил.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2009 й.
7. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида Т: «Ўзбекистон», 2011 йил
8. Азизхужаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси – Тошкент, 2000
9. Асқаров М, Ҳайитбоев М, Нишонов М, Педагогика. Дарслик.-Т.:Талқин 2008.-289 бет.
10. Азизхужаев Н.Н. Замонавий педагогик технологиялар (Реклама - режалар). – Тошкент, 2002
11. Нишоналиев У., Толипов У., Икки шахс фаолияти уйгуналашганидагина таълим тарбиядан кўзланган мақсадга эришилади.-«Маърифат» газетаси, 2000 йил 19 апрел.
12. Нишоналиев У. Таълим стандарти ва педагогик инновациялар. – «Халқ таълими», 1999 6-сон
13. Очилов М. Ўқитиш методи – педагогик технологиянинг асосий компоненти – «Халқ таълими», 1999 6-сон 32-35 бетлар.
14. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Карши «Насаф», 2000
15. Сайдахмедов Н.С. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Тошкент, 2003
16. Сайдахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма.-Т.: Молия, 2003-1886.
17. Сайдахмедов Н.С., Очилов А., Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси.- РТМ, 2000 55-бет.
18. Турсунов И. Янги педагогик технология ва унинг истиқболи.- «Халқ сўзи», 1999 йил 25 сентябр
19. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии – Т.:, 1999 г 84 стр.
20. <http://ppsy.ru>
21. <http://www.iro.yar.ru>
22. [www.inter – pedagogika. ru](http://www.inter-pedagogika.ru)